

ТУПРОҚҚА ТУРЛИ УСУЛДА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ТУПРОҚ ҲАЖМ ОҒИРЛИГИГА ТАЪСИРИ.

Исматуллаев Исломбек ассистент Иброҳимова Оязимхон талаба

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Андижон, Ўзбекистон

Аннотация. Тупроқни икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаш, оддий плуг билан шудгорлашга нисбатан тупроқнинг 0-30 см қатламида 0,03 г/см³ гача, 30-50 см қатламида 0,02 г/см³ гача камайтиради, бу эса ўз навбатида ўсимликларнинг яхши ўсиб ривожланишида ижобий таъсир этади.

Калит сўзлар: ғўза, ғалла, омов, назорат, плуг, қатлам, вариант, тупроқ.

ВЛИЯНИЕ РАЗЛИЧНОЙ ОБРАБОТКИ ПОЧВЫ НА ЕЕ ОБЪЕМНЫЙ ВЕС.

Исматуллаев Исломбек ассистент Иброҳимова Оязимхон студентка

Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий.

Андижан. Ўзбекистон

Абстрактный. Вспашка почвы двухрядным плугом на глубину 28-30 см по сравнению с вспашкой простым плугом снижает влажность почвы до 0,03 г/см³ в слое 0-30 см и до 0,02 г/см³ в слое 30-50 см. Слой 30-50 см, что в свою очередь уменьшает рост растений, положительно влияет на хороший рост и развитие.

Ключевые слова: хлопок, зерно, плуг, управление, плуг, пласт, вариант, почва.

EFFECT OF DIFFERENT SOIL TREATMENT ON SOIL VOLUME WEIGHT Ismatullaev Islombek assistant, Ibrohimova Oyazimxon student

Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies.

Andijan. Uzbekistan

Abstract. Plowing the soil with a two-layer plow at a depth of 28-30 cm, compared to plowing with a regular plow, reduces soil moisture to 0.03 g/cm³ in the 0-30 cm layer and to 0.02 g/cm³ in the 30-50 cm layer, which in turn reduces the growth of plants. has a positive effect on good growth and development.

Key words: cotton, grain, plow, control, plow, layer, variant, soil.

Кириш. М.В.Мухамеджановнинг [88; 22-23-б.] таъкидлашича тупроққа асосий ишлов беришда тупроқнинг устки қатлами пастга ағдариб ташланиши керак. Натижада ернинг юза қисмини ғоваклиги ортиб, унинг агрофизик хоссалари ва озик режими яхшиланади, шу билан бирга бегона ўтлар уруғлари, ҳар хил зараркунанда ва касаллик тарқатувчилар тупроқ юзасидан унинг чуқур пастки қатламларига ағдариб ташланади. Пастки қатламдаги структураси бузилмаган, озик моддалар ва сув-физик хоссалари яхши бўлган тупроқ юза қисмга олиб чиқади.

Олиб борилаган тадқиқотимизда (1:1 тизимида) ғўза-ғалла навбатлаб экиш схемасида тупроққа ишлов бериш усуллариининг самарадорлиги ўрганилган бўлиб, бунда ғўза майдонни икки хил усулда, яъни оддий омовда ағдармасдан шудгорлаш ҳамда икки ярусли омов ёрдамида ағдариб шудгорланиб, икки хил фон яратилди.

Тадқиқот йилларида тажриба вариантларини жойлаштиришдан олдин тупроқнинг агрофизик хоссаларидан ҳажм оғирлиги ҳамда ғовакликни аниқлаш мақсадида даланинг беш нуқтасидан конверт усулида тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см қатламларидан намуналар олиниб, таҳлил қилинди.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, тажриба олиб боришдан олдин тупроқнинг 0-30 см қатлами таҳлил қилинганида ҳажм оғирлик ўртача $1,34 \text{ г/см}^3$ ни, ғоваклик эса 48,3 фоизни кўрсатган бўлса, ушбу кўрсаткичлар тупроқнинг 30-50 см қатламида ҳажм оғирлик $1,42 \text{ г/см}^3$ га тенг бўлиб, ғоваклиги мос равишда 45,4 фоизни ташкил этганлиги аниқланди.

2022 йил баҳорда чигит экишдан олдин вариантлар кесимида тупроқнинг ҳажм оғирлиги аниқлаб чиқилди.

Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, тупроқни оддий плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорланган 1-вариант (назорат)да тупроқнинг ҳажм оғирлиги ҳайдов (0-30 см) қатламда $1,25 \text{ г/см}^3$ ни, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида $1,36$

г/см³ ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорланган 4-вариант (назорат)да тупроқнинг 0-30 см қатламда 1,24 г/см³ ни, 30-50 см қатламда эса 1,34 г/см³ ни ташкил этгани ҳолда оддий плугда ишлов берилган вариантга нисбатан тупроқнинг 0-30 см қатламида 0,01 г/см³ гача, 30-50 см қатламида 0,02 г/см³ гача камайганлиги кузатилди.

Тупроқни оддий плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаб, шудгор олдида Дафосат гербициди қўлланилган 2-вариантда тупроқнинг ҳажм оғирлиги ҳайдов (0-30 см) қатламда 1,27 г/см³ ни, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида эса 1,37 г/см³ ни кўрсатиб, бу кўрсаткичлар икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаб, шудгор остига Дафосат гербициди қўлланилган 5-вариантда тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0-30 см қатламда 1,23 г/см³ ни, 30-50 см қатламда эса 1,35 г/см³ га тенг бўлиб, оддий плуг билан ишлов берилган вариантга нисбатан тупроқнинг 0-30 см қатламида 0,04 г/см³ гача, 30-50 см қатламида 0,02 г/см³ гача камайганлиги аниқланган бўлса, 3-вариантда тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0-30 см қатламда ўртача 1,26 г/см³ ни, 30-50 см қатламида 1,37 г/см³ ни, 6-вариант таҳлил қилинганида 0-30 см қатламда 1,25 г/см³ ни, 30-50 см қатламда эса 1,35 г/см³ ни ташкил этиб, оддий плуг билан шудгор қилинган вариантга нисбатан тупроқнинг 0-30 см қатламида 0,01 г/см³ гача, 30-50 см қатламида 0,02 г/см³ гача камайганлиги қайд этилди.

Ўзанинг амал даври охирига келиб, тупроқнинг ҳажм оғирлиги вариантлар кесимида аниқланганида, вегетация даври давомида ўтказилган агротехник тадбирлар тупроқнинг физик хоссаларига сезиларли равишда таъсир этганлиги кузатилди.

Жумладан, тупроқни оддий плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорланган 1-вариант (назорат)да тупроқнинг ҳажм оғирлиги ҳайдов (0-30 см) қатламда ўртача 1,33 г/см³ ни, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида эса 1,41 г/см³ ни, икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорланган 4-вариант (назорат) таҳлил қилинганида тупроқнинг 0-30 см қатламда 1,31 г/см³ ни, 30-50 см қатламда бу кўрсаткич 1,38 г/см³ ни ташкил этиб, оддий плугда

ишлов берилган вариантга нисбатан тупроқнинг 0-30 см қатламида 0,02 г/см³ гача, 30-50 см қатламида эса 0,07 г/см³ гача камайганлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Тупроққа турли усулда ишлов беришни унинг хажм массасига таъсири (ғўза, 2023-2024 йй.)

Вариант	Қатламлар	0-30	30-50	0-30	30-50	0-30	30-50
Оддий омовда 28-30 см чуқурликда шудгорлаш							
1	Экишдан олдин	1,25	1,36	1,30	1,40	1,30	1,39
2		1,27	1,37	1,32	1,43	1,32	1,41
3		1,26	1,37	1,30	1,41	1,30	1,38
Ўртача		1,26	1,37	1,31	1,41	1,31	1,39
1	Амал даври охирида	1,33	1,41	1,34	1,45	1,34	1,44
2		1,34	1,41	1,36	1,44	1,36	1,42
3		1,33	1,40	1,35	1,43	1,34	1,41
Ўртача		1,33	1,41	1,35	1,44	1,35	1,42
Икки ярусли омовда 28-30 см чуқурликда шудгорлаш							
4	Экишдан олдин	1,24	1,34	1,28	1,40	1,27	1,32
5		1,23	1,35	1,30	1,42	1,25	1,30
6		1,25	1,35	1,27	1,39	1,27	1,31
Ўртача		1,24	1,35	1,28	1,40	1,26	1,31
4	Амал даври охирида	1,31	1,38	1,33	1,43	1,33	1,42
5		1,32	1,39	1,35	1,45	1,35	1,44
6		1,30	1,37	1,33	1,42	1,34	1,41
Ўртача		1,31	1,38	1,34	1,43	1,34	1,42

Тупроқни оддий плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаб, шудгор олдида Дафосат гербициди қўлланилган 2-вариантнинг 0-30 см қатламида тупроқнинг хажм оғирлиги 1,34 г/см³ ни, 30-50 см қатламида эса 1,41 г/см³ ни, икки ярусли плуг билан 28-30 см чуқурликда шудгорлаб, шудгор остида Дафосат гербициди қўлланилган 5-вариантнинг 0-30 см қатламида 1,32 г/см³ ни, 30-50 см қатламда эса 1,39 г/см³ га тенг бўлиб, оддий плуг билан ишлов берилган вариантга нисбатан тупроқнинг 0-30 см қатламида 0,02 г/см³ гача, 30-50 см қатламида 0,02 г/см³ гача, чигит экиш билан бирга Стомп гербициди қўлланилган 3-вариант таҳлил қилинганида эса тупроқнинг 0-30 см қатламда

ҳажм оғирлик 1,33 г/см³ ни, 30-50 см қатламида 1,40 г/см³ ни, ушбу кўрсаткич 6-вариантда 0-30 см қатламда 1,30 г/см³ ни, 30-50 см қатламда эса 1,37 г/см³ ни кўрсатиб, оддий плуг билан ишлов берилган вариантга нисбатан тупроқнинг 0-30 см қатламида 0,03 г/см³ гача, 30-50 см қатламида 0,03 г/см³ гача камайганлиги кузатилди.

Демак, олинган натижалардан кўриниб турибдики, тупроққа ишлов бериш усуллари тупроқнинг ҳажм оғирлигига сезиларли таъсир этганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони
2. Абдукаримов Д., Ўразматов Н. Асосий ишловнинг тупроқ агрофизикавий хусусиятларига таъсири. Пахтачилик ва дончиликни ривожлантириш муаммолари. Т. 2004. Б. 101-103.
3. Алиев А.М. Комплексное применение гербицидов в сочетании с удобрениями и другими средствами химизации в нечерноземной зоне: Борьба с сорняками при возделывании сельскохозяйственных культур: - М, Во Агропромиздат. – 1988. С. 16-21.
4. Мўминов К.М., Ризаев Ш.Х. Агротехнические и химические меры борьбы с сорняками на посевах озимой пшеницы // Зерновое хозяйство. 2005. №6. С. 21-22
5. Ҳасанова Ф.М., Саломов Ш.Т. “Қишлоқ хўжалигида янги тежамкор агротехнологияларни жорий этиш” мавзусидаги халқаро илмий амалий конференция маърузалар тўплами. Т. 2011. Б. 258-259.